



ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА БОЗОРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА  
ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛИШТИРИШДАГИ ЎРНИ

Содиқов Анвар -

ЎзМУ Макроиктисодиёт кафедраси  
мустақил изланувчиси (PhD)

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a1](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a1)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон валюта бозорининг бугунги кундаги ҳолати ва унда юз бераётган ўзгаришлар, ҳамда уларнинг аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини оширишга ижобий таъсири ўрганилди. Бундан ташқари валюта бозорини ривожлантириш йўналишлари тадқиқ этилди ва такомиллаштириш зарурати бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** валюта, валюта бозори, ҳалқаро пул ўтказмалари, импорт, экспорт, валюта операциялари, валюта ликвидлиги, валюта конвертацияси.

ОСОБЕННОСТИ ВАЛЮТНОГО РЫНКА И РОЛЬ В СТАБИЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ  
УЗБЕКИСТАНА

Содиқов Анвар -

Независимый исследователь (PhD)  
НУУз кафедра «Макроэкономика»

**Аннотация.** В статье рассматривается современное состояние валютного рынка Узбекистана и происходящие на нем изменения, а также их положительное влияние на благосостояние населения и повышение уровня жизни. Кроме того, изучены направления развития валютного рынка и выработаны предложения и рекомендации относительно необходимости совершенствования

**Ключевые слова:** валюта, валютный рынок, международные денежные переводы, импорт, экспорт, валютные операции, валютная ликвидность, конвертация валюты.

PECULIARITIES OF THE FOREIGN EXCHANGE MARKET AND ECONOMY IN  
UZBEKISTAN ROLE IN STABILIZATION

Sadikov Anvar -

NUUz "Department of Macroeconomics"  
independent researcher (PhD)

**Annotation.** The article examines the current state of the foreign exchange market of Uzbekistan and the changes taking place in it, as well as their positive impact on the well-being of the population and raising the standard of living. In addition, directions for the development of the foreign exchange market were studied and suggestions and recommendations were developed regarding the need for improvement.

**Key words:** currency, foreign exchange market, international money transfers, import, export, currency transactions, currency liquidity, currency conversion.

**Кириш.** Жамият хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви, бир турдаги миллий валюталарни бошқа турдаги миллий валюталарга алмашинишига объектив зарурат туғдиради. Бундай зарурат, талаб ва таклифнинг таъсири асосида валютанинг ўзига хос баҳоси – валюта курси шаклланивчи махсус бозорда туғилиб, амалга ошади. Мазкур бозор ўз ичига, хорижий валюталарни бир-бирига айирбошлаш билан боғлиқ жами муносабатларни олган ҳолда, уларнинг моҳияти, ҳукмрон валюта тизимининг характери билан белгиланади. Жаҳон бозори тизимида хорижий валюталар бозори, товарлар ва капиталлар бозорига нисбатан объектив равишда иккиламчи ўринни егаллаб, уларга хизмат кўрсатади. Валюта бозори бу Молия бозорининг бир бўғини ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини тартибга солишда валюта сиёса-

ти муҳим ўринни эгаллайди. Валюта сиёсати миллий валютани барқарор сақлаб туришда энг яхши восита ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш керакки, валюта бозорини бошқариш ва тартибга солишда дунё мамлакатлари амалиётида мавжуд тажриба, усул ва мезонларни ўрганган ҳолда, доимо валюта бозори фаолиятида замонавий бошқарув ва тартибга солиш усулларини такомиллаштириб бориш долзарб мавзу бўлиб қолаверади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан дунё пул-молия тизимидаги асосий муаммолар, валютани тартибга солиш восита ва усулларини назарий жиҳатдан ўрганишга ўз илмий ишларида салмоқли ўрин берилган. Халқаро валюта бозорининг функцияси ва валюта бозорининг алоҳида иштирокчилари моҳияти, умумий тамо-

йиллари М.Фридман, Р.Брадшоу, К.Луканинг илмий ишларида қайд этилган [7].

Ривожланган давлатлар иқтисодчилари, кўп ҳолларда, валюта бозорини миллий, хорижий банкларни ва брокер фирмаларни ўзаро боғловчи замонавий алоқа воситаларни тизими деб атайдилар. Баъзи пайтларда, валюта бозори деганда, унинг асосий субъектлари сифатида, одатда банклар ва бошқа молиявий ташкилотлар йиғиндиси тушунилади [9].

М.Гилберт, О.И.Лаврушина, Л.Н.Красавина сингари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида валюта бозорининг ўзига хослиги ва тижорат банкларининг валюта муносабатлари соҳасидаги фаолияти алоҳида келтириб ўтилган [4].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмуродов ва Н.Х.Жумаевнинг фикрлари-ча, [6] валютада бозорида сўмнинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан алмашув курси шаклланиши жараёнида бозор механизмларига таяниш валюта соҳасида амалга оширилаётган эркинлаштириш сиёсатига тўлиқ жавоб бергани ҳолда, алмашув курсларидаги тебранишлар даражаси ортишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу эса Марказий банкнинг алмашув курсларидаги кескин тебранишларнинг олдини олиш мақсадида валюта бозоридаги талаб ва таклифга таъсир этиш имкониятига эга бўлиши ва шу мақсадда етарлича хорижий валютадаги активлар билан таъминланишини тақозо этади.

**Тадқиқот методологияси.** Валюта бозорини ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш, ҳозирги кунда юз бераётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва келажакда такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича, билишнинг қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-мантиқий таҳлил, илмий таҳлил усулларида кенг фойдаланилган. Валюта бозорини рискларини бошқариш усулларида иқтисодий адабиётларда турли-туман фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Бироқ уларнинг шакли ва шамоили турли-туман бўлгани билан мазмунли битта мақсадга қаратилган. Олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш, илмий абстракция, мантиқий фикрлаш усулларида кенг фойдаланилган.

**Таҳлили ва натижалар.** Валюта бозори деганда валюталарни олди-сотди қилиш мақсадида ташкил этилган махсус марказларга тушунилади.

Валюта бозорининг 3 тури мавжуд [5]:

1. Миллий валюта бозори.
2. Минтақавий валюта бозори.
3. Жаҳон валюта бозори.

Миллий валюта бозори 2 қисмдан иборат:

1. Валюта биржаси.
2. Биржадан ташқари валюта бозори.


Кейинги йилларда валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замонавий, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантиришга хизмат қилганини қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, аввало, амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига [2] мувофиқ ва валюта соҳасини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика экспорт салоҳиятини юксалтиришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида кўплаб амалий чора-тадбирлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз.

Кейинги йилларда экспортчиларни рағбатлантириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, уларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кўплаб имтиёзлар берилди, экспорт фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор тартиботлар бекор қилинди. Экспорт борасида мавжуд имтиёзларга қарамай, валюта тушумини мажбурий сотиш талаби экспортни янада рағбатлантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб, экспортчилар ўз валюта тушумини тўлиқ тасарруф этиш имкониятига эга эмас эди, бу эса экспортни кўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган сиёсатга умуман мос келмасди. Валюта сиёсатини ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишдаги биринчи зарур қадам сифатида қараш мумкин товарлар (иш, хизматлар) экспортдан тушган валюта тушумини мажбурий сотиш тартиби мулкчилик шакли ёки экспорт қилинаётган маҳсулот туридан қатъий назар, барча экспортчи ташкилотлар учун бутунлай бекор қилинди.

Ички валюта бозори 2021 йилда хорижий валютага талабнинг ортиши ҳамда қулай ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари фонидан таклифнинг ҳам ошиши билан характерланди.

2021 йил давомида ташқи савдо айланмасининг жадаллашиши кузатилди. Хусусан, экспорт тушумлари ҳажми (олтин экспортини ҳисобга олмаганда) ўтган йилга нисбатан **34 фоизга** ошиб, **11,6 млрд. АҚШ долларига** етди. Шунингдек, импорт тўловлари ўтган йилга нисбатан **25 фоизга** ошиб, **25,7 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди.

Ички валюта бозорида хорижий валютага талабнинг умумий ҳажми 2021 йилда **26,1 млрд. АҚШ долларини** ташкил этиб, 2019 ва 2020 йилларнинг тегишли даврларига нисбатан мос равишда **1,7** ва **1,3 баробарга** ошди (1-расм).



1-расм. 2019-2021 йилларда ички валюта бозори сегментлари кесимида хорижий валютага талаб динамикаси (млн.АҚШ долл.) [8]

Ички валюта бозорида хорижий валютанинг асосий қисми ёки **57 фоизи** ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, **20 фоизи** валютадаги кредитларни сўндириш, **20 фоизи** халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **1 фоизи** хорижий инвесторлар даромадларининг

репатриацияси ва қолган **2 фоизи** бошқа мақсадлар учун харид қилинган.


2021 йилда ички валюта бозорида хорижий валютани харид қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ойлик ўртача сони 9887 тани ташкил этиб, 2019 ва 2020 йилларнинг мос даврига нисбатан **48** ва **39 фоизга** ошган (2019 йилда – 6686 та, 2020 йилда – 7137 та) (2-расм).



2-расм. 2020-2021 йилларда хорижий валютани сотиб олиш мақсадлари таркиби (фоизда) [8]

2021 йил мобайнида жисмоний шахслар томонидан тижорат банкларига сотилган хорижий валюта миқдори **7,1 млрд. АҚШ долларини** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **1,5 баробарга** ошди (2020 йилда - 4,6 млрд. АҚШ долл.).

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга **4,6 млрд. АҚШ доллари** сотилди ҳамда ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **12 фоизга** ошди (2020 йилда - 4,1 млрд. АҚШ долл.) (3-расм).




3-расм. 2021 йилда жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган операциялар ҳажми (млн.АҚШ долл) [8]

2021 йилда жисмоний шахслар томонидан хорижий валютага бўлган таклиф ҳажми унга талаб ҳажмидан **2,5 млрд.** АҚШ долларига ортиқ бўлди (2020 йил 5 баробар кўп). Бу ўз навбатида, ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи сифатида хизмат қилди.

2021 йилда халқаро пул ўтказмалари орқали республикага **8,1 млрд.** АҚШ доллари

миқдорида валюта маблағлари келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2019-2020 йилларга нисбатан **34 фоизга** ошди (6,0 млрд. АҚШ доллар). Халқаро пул ўтказмалари орқали республикадан **1,6 млрд.** АҚШ доллари миқдорида валюта маблағлари хорижга жўнатилган (4-расм).



4-расм. 2019-2021 йилларда халқаро пул ўтказмалари орқали республикага келиб тушган валюта маблағлари ҳажми (млн.АҚШ долл). [8]

2021 йилда миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари ҳамда ташқи омиллар таъсирида шаклланди. Хусусан, республикада иқтисодий ва инвестицион фаолликнинг тезлашиши натижасида валютага талабнинг ошиши, ўз навбатида, қулай ташқи шароитлар ва жаҳонда асосий экспорт товарларига нархларнинг

ошиши фонида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан валюта таклифи кўпайиши билан мувозанатланди. Натижада ҳисобот йилида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курси **3,4 фоизга** қадрсизланди. Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиши 2020 йилда **10,1 фоизни** ҳамда 2019 йилда **13,9 фоизни** ташкил этган. 2021 йилда



реал самарали алмашув курси индекси савдо-хамкор давлатлар валюта курсларининг қадрсизланиши ҳамда ички инфляциянинг ҳамкор давлатлар инфляция даражасига нисбатан юқориророқ бўлиши ҳисобига **5,2 фоизга** мустаҳкамланди [8].

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгаришлар, қолаверса, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини янада кучайтириш зарурати мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, институционал ва таркибий янгиланишларни давом эттиришни тақозо қилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси бу борада муҳим қадам бўлди, десак, аини ҳақиқат.

Мамлакатнинг кейинги беш йиллик истиқболи акс этган мазкур стратегияда белгиланган вазифалар бугун амалиётда ўз исботини топмоқда. Айниқса, унинг Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ҳамда нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш сингари устувор вазифаларга эътибор қаратилган. Фармон айнан ушбу долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Зотан, унинг изчил ижроси мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи ҳамда ички бозорда рақобатдошлигини ошириш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш имконини беради. Энг муҳими, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъект учун тенг рақобат шароитларини яратади.

Ўзбекистон марказий банки томонидан Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларининг дастлабки концептуал лойиҳаси ишлаб чиқилган ва унда 2022-2024 йилларда пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган [3]. Жумладан Ички валюта бозорини янада ривожлантириш йўналишлари қуйидагича белгиланди Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада такомиллаштириш ва курс шаклланишида иштирокчилар ролини ошириш бўйича ўрта муддатли истиқболда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, бугунги кунда, Марказий банк ички валюта бозорининг асосий иштирокчиси бўлиб, валюта таклифини таъминлашдаги роли юқори ҳисобланади. Бироқ ички валюта бозорини ривожлантириш жараёнида босқичма-босқич Марказий банк ролини камайтириш ва тижорат банклари-

нинг маркет-мейкер (бозорни ташкил этувчи) ролини ошириш мақсад қилиб олинган.

Маркет-мейкерлар валюта бозорининг асосий иштирокчилари ҳисобланиб, бозор ликвидлигини ошириш ҳамда валюта талаби ва таклифини таъминлаш орқали мувозанатли валюта курсини аниқлашга ёрдам беради. Маркет-мейкерлик вазифасини бажарувчи банклар сони кўпайиши банклараро валюта бозори фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда ички валюта бозоридаги операциялар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминловчи ва хатарларни ўзига олувчи, бозор иштирокчилари ўртасида воситачи вазифаларини бажарувчи марказий контрагент функцияси Марказий банкда бўлиб, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда Республика валюта биржасига марказий контрагент функциясини юклаш режалаштирилган. Республика валюта биржаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, замонавий савдо инфратузилмасини яратиш ҳамда унинг халқаро молия институтлари, молия бозорлари ва хорижий биржалар билан ҳамкорлиги ва интеграциясини кенгайтириб бориш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ўз навбатида, ички валюта бозорини янада ривожлантириш ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи шоклар таъсирини юмшатиш ва валюта рискларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республика валюта биржаси савдоларида жежирлаш инструментлари (своп, фьючерс ва бошқалар) жорий этилади. Тижорат банклари ўртасида мижозлар (юридик шахслар) жалб этишга рақобат муҳитини янада яхшилаш, улар томонидан юридик шахсларга таклиф этилаётган валюта сотиш ва сотиб олиш курсларининг жозибдорлигини ошириш, ички валюта бозорида тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар учун зарур маблағларни ўзлари истаган банк орқали сотиш ёки сотиб олишда янада қулайликлар яратиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг валюта олди-сотди операцияларини исталган банкда (асосий ҳисобрақамига хизмат кўрсатувчи банкни ўзгартирмаган ҳолда) амалга ошириш имконияти яратилади.

Ўз ўрнида, тижорат банклари томонидан валюта биржаси ва мижозлар билан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларини амалга оширишда манипуляция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жаҳон валюта бозори иштирокчиларининг умумэътироф этилган валюта бозорида амалга ошириладиган энг намунали амалиётларни ўз ичига олган “Этика кодекси”нинг ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Умуман, Марказий банк келгуси

йилларда ҳам ички валюта бозорини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давом этади.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда валюта сиёсатининг экспортни ривожлантиришдаги рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– Ўзбекистоннинг ташқи хорижий ҳамкор давлатлари валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси ошиб кетишига йўл қўймаслик, зарурат бўлганда жадаллаштирилган девальвация сиёсатини қўллаш;

– валюта алмашув курси барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий савдо ҳамкори ҳисобланувчи давлатлар марказий банклари ўртасидаги валюта ликвидлигини оширишга қаратилган валюта свопи битимлари линияларини ишга тушириш;

– валюта курсини белгилаш механизми шаффофлигини ошириш ва бу жараёнга Марказий банк аралашувини чеклаш мақсадида биржа савдоларида курс белгилашнинг оддий фиксинг усулидан воз кечиш;

– мамлакат иқтисодиётидаги долларлашув кўламини қисқартириш мақсадида миллий олтин бозори режимини белгилаш ва унда олтин нархи шаклланишининг бозор механизмларини жорий этиш;

– мамлакатда фаолият юритувчи тижорат банклари мажбуриятлари “долларлашуви” нинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва бунда валюта рискинни ҳежирлаш чораларини кўзда тутиш;

– мамлакат иқтисодиётга хорижий капиталлар оқимини рағбатлантириш мақсадида капиталлар ҳаракатини тартибга солиш тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш;

– республикада фаолият юритувчи тижорат банкларида маҳаллий компаниялар товар ва хизматларини ташқи бозорларда сотилишини рағбатлантириш учун экспорт кредитлари ҳажминини ошириш.

Хулоса ўрнида такидлаш керакки, валюта курси ўзгаришининг компаниялар фаолияти, хусусан, экспорт рақобатбардошлигига таъсирининг якуний натижаси ижобий ёки салбий бўлиши муқаррардир. Хусусан, девальвация корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш орқали рақобатбардошликка ижобий таъсир этиши борасида ҳам ноаниқлик сақланиб қолаверади. Шу сабабли, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсини пасайтириш орқали экспортни қўллаб-қувватлашда ҳўжалик субъектларининг баланслари таркиби, хусусан, хорижий валютадаги мажбуриятлари ва активларининг муддат ва миқдор жиҳатдан мутаносиблиги омилларини ҳисобга олиш зарур.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йил. №ПФ-4947-сонли фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларига бағишланган” дастлабки концептуал лойиҳа. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2021 йил.
4. Гилберт М. В поисках единой валютной системы. – М.: ПРОГРЕСС, 1984. - 95 бет.
5. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2014.
6. Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. (2019). Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари. //UzBridge, 1 – сон. май, 2019 й.
7. Валиев У.Г. “Ўзбекистон валюта бозорини либераллашуви жараёнида амалга ошириб келинаётган услохотлар қандай натижа бермоқда” мавзусидаги илмий мақола. //Moliya va Bank ishi. 1-сон (2022).
8. <https://cbu.uz/oz/press-center/reviews/584764>.
9. <https://bfa.uz>.



**ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Мансуров Саидхўжа Камалович** -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss2/a2](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a2)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг бугунги кундаги таҳлили, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакатлар кесимида экспорт кўрсаткичлари ҳамда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ноистеъмол товарлари, ялпи ички маҳсулот, экспорт ҳажми, диверсификация, хомашё, бойкот, маҳсулот таннархи, рақобатбардошлик, қўшимча қиймат, кластер, ип-калага, трикотаж мато, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари, бож ставкаси.